

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА ИЛК ЎРТА АСР  
ДАВЛАТЛАРИ ШАКЛЛАНИШИННИГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ  
АСОСЛАРИ

М.Э.Эргашев

Термиз давлат унверситети

жаҳон тарихи кафедраси в.б. доценти. т.ф.б.ф.д. (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14552687>

**Аннотация.** Уибӯ мақолада Ўзбекистоннинг ilk ўрта аср давлатчилиги ва унинг ижтимоий-иқтисодий асослари ҳамда унинг археологик асослари кенг ёритилган.

**Калим сўзлар:** Сарманган (Жарқўргон), Навандак (Сурхоннинг бошланиши), Дари Оҳанин (Темир Дарвоза), Боботоғ, Кофирниҳон.

**SOCIO-ECONOMIC AND POLITICAL FOUNDATIONS OF THE FORMATION OF THE FIRST MEDIEVAL STATES IN THE SOUTHERN REGIONS OF UZBEKISTAN**

**Abstract.** This article provides a comprehensive overview of the early medieval statehood of Uzbekistan and its socio-economic foundations, as well as its archaeological foundations.

**Keywords:** Sarmangan (Zharkurgan), Navandak (the beginning of Surkhan), Dari Akhanin (Iron Gate), Bobotag, Kafirnikhan.

**СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И ПОЛИТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ  
ФОРМИРОВАНИЯ РАННЕСРЕДНЕВЕКОВЫХ ГОСУДАРСТВ В ЮЖНЫХ  
РЕГИОНАХ УЗБЕКИСТАНА**

**Аннотация.** В данной статье рассматривается раннесредневековая государственность Узбекистана, ее социально-экономические основы и археологические основы.

**Ключевые слова:** Сарманган (Джаркурган), Навандак (начало Сурхана), Дари Оханин (Железные ворота), Боботог, Кафирниҳон.

Чагониён – қадимги Бақтрия-Тоҳаристоннинг шимоли-ғарбида жойлашган тарихий вилоят бўлиб, кучайган вақтда жанубда Сарманган (Жарқўргон), шимолда Навандак (Сурхоннинг бошланиши), ғарбдан Дари Оҳанин (Темир Дарвоза), шарқда Боботоғ ва Кофирниҳонгача бўлган ҳудудни ўз ичига олган. Чагониён ерлари ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Бандиҳон, Қизириқ, Шерободнинг жанубий-шарқий қисми, Жарқўргон, Қумқўргон, Олтинсой, Шўрчи, Денов, Сариосиё, Узун туманлари, шунингдек, Тожикистон Республикасининг жанубий-ғарбий ҳудудларига тўғри келади<sup>1</sup>.

Чагониён ва умуман Шимолий Бақтрияниң қадимги тарихи бўйича бирламчи ёзма манбалар ниҳоят даражада кам. Юнон-рим манбалари кўпроқ Бақтрияниң жануби тўғрисида маълумот беради. Қадимги Хитойниң Хан сулоласи давридаги манбалар Шимолий Бақтрия ҳақида қисқача хабарлар беради. Эътиборли томони, улардаги маълумотлар бир-бирини такрорлаб туриши билан ажralиб туради. Чагониён ҳақидаги

<sup>1</sup> Ртвеладзе Э., Сагдуллаев А. Памятники минувших веков. –Ташкент, 1986. –С. 22-23; Чагониён тарихи. – Ташкент, 2002. –Б. 35.

асосий маълумотлар VII асрдан бошлаб хитой, кўпроқ араб-форс тарихчилари томонидан келтирилиб, уларда ўлканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти кўрсатиб берилади. Аммо бу, Чагониён ҳудудидаги давлатчилик илдизлари айнан IV асрда пайдо бўлди, деган хulosани бермайди. Сабаби, сўнгги 60 йил ичida қадимги Чагониён ҳудудида олиб борилган археологик қазишмалар бу ҳудудда милоддан аввалги II минг йиллик ўрталаридан қадимги маданият гуллаб-яшнаганлигини кўрсатди<sup>2</sup>. Қолаверса, илмий тадқиқотлар Ўзбекистонда шаҳар маданияти ва давлатчилик тарихининг 3500 йилдан кам эмаслигини кўрсатиб берди<sup>3</sup>. Чагониён тарихи Сурхон-Шеробод воҳаси ҳамда Кофирниҳон дарёси ҳавзаси билан бевосита алоқадор бўлганлиги боис, ушбу ҳудудларда рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнларни археологик манбалар билан бирга ўрганиш тўғрироқ бўлади.

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, Жанубий Ўзбекистондаги Шерободдарё, Бандиҳонсой, Хўжаипоксой, Сангардак, Тўпаланг ва бошқа тоғ дарёлари ҳавзаси қадимги зироатчилик маданияти шаклланган марказ бўлган. А.Аскаров Сурхондарё вилоятида ўтказилган археологик тадқиқотларга асосланиб, бронза асрида Шеробод, Бандиҳон ва Шўрчи деҳқончилик воҳалари бўлганлигини таъкидлайди<sup>4</sup>. А.Сагдулаев эса ўз тадқиқотида Музрабод, Шеробод, Бандиҳон, Миршоди деҳқончилик воҳаларидан иборат эканлигини кўрсатади<sup>5</sup>. Э.В.Ртвеладзенинг фикрича, бронза асрида ўлкада Ўланбулоқсой (Музрабод), Шеробод, Ҳалқажар (Миршоди) ва Ҳисор деҳқончилик воҳалари мавжуд бўлган. Ҳаммадан олдин, Ўланбулоқсой воҳаси шаклланган, деган фикрга келади<sup>6</sup>.

А.С.Сагдулаев Ўрта Осиё жанубида илк давлатчилик тараққиётининг қуидаги босқичларини кўрсатади:

1. Сўнгги бронза даврида кичик-кичик деҳқончилик воҳаларида дастлабки давлатчилик белгиларининг вужудга келиши;
2. Аръиошайана – кичик давлат бирлашмалари;
3. Қадимги Бақтрия – иирик давлат бирлашмаси<sup>7</sup>.

Юқорида кўрсатилган ҳудудларнинг аҳолиси бронза асрида суғорма деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик билан шуғулланган. Илк шаҳарлар – Олтинтепа, Жарқўтон сингари иирик аҳоли манзилгоҳлари вужудга келади. Улар ривожланган тузилмага (кўрғон+аҳоли манзилгоҳи) эга бўлиб, хом ғиштдан девор билан айлантирилган. Шаҳарлар ичida туарар-жойлардан ташқари маҳобатли бинолар: саройлар ва ибодатхоналар ҳам бўлган<sup>8</sup>.

<sup>2</sup> Пугаченкова Г.А. Халчаян. К художественной культуры Северной Бактрии. –Ташкент: Фан, 1966. –С. 13.

<sup>3</sup> Аскаров А. Энг қадимий шаҳар. –Тошкент: Маънавият, 2001. –Б. 3.

<sup>4</sup> Аскаров А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. –Ташкент: Фан, 1977. –С. 9.

<sup>5</sup> Сагдулаев А. С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа. Автореферат диссертации кандидата исторических наук. Ленинград, 1978. –С. 31-33.

<sup>6</sup> Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). –Ташкент: Фан, 1990. –С. 14.

<sup>7</sup> Сагдулаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореферат диссертации доктора исторических наук. –Москва, 1989. – С. 40.

<sup>8</sup> Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. –С. 9.

Сурхон воҳасидаги бронза асрига оид Сополли маданияти хронологик жиҳатдан Сополли, Жарқўтон, Кўзали, Молали ва Бўстон босқичларига бўлинади<sup>9</sup>. Уларнинг ҳар бири муайян худудда топилган дехқончилик манзилгоҳи номидан олинган. Айниқса, Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, яъни Миршоди воҳасида жойлашган Молали ёдгорлиги алоҳида кизиқиши уйғотади. Негаки, Молали қадимги Чағониён худудида жойлашган бўлиб, Чағониённинг бронза давридаги энг муҳим ёдгорликларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Молали гурух ёдгорликлари 1970 йилда Г.А.Пугаченкова томонидан аниқланган. Бу ерда бронза асрига оид еттига даҳма очилган эди. Шу яқин атрофдаги қишлоқ номидан даҳма Молали деб ном олди<sup>10</sup>. Даҳмадан 2 км шимоли-шарқда Молали манзилгоҳи ҳам аниқланган бўлиб, таҳминан 8-9 гектар майдонни эгаллайди<sup>11</sup>.

2012 йилда Германия Археология Институти (DAI, Берлин шаҳри) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси санъатшунослик институти Молалида қазишма ишларини олиб борди. Молалининг ташқи деворлари қалинлиги 2 метр бўлиб, хом ғиштдан «арчасимон» усулда, ёнбошлиб териб чиқилган. Ғиштлар овал – тўғри бурчаксимон кўринишида: 40–45×24–26×7–8 см ўлчамда, бир томони текис, иккинчи томони бўртиб чиқкан. Ички деворлари 1 метр қалинликда оддий, тўғри бурчакли 38–42×20–22×12 см, баъзан 40×17×10 см, 48×24 ×12 см ли хом ғиштлардан териб чиқилган. Баъзи ҳолларда деворларнинг асоси 56×27–28×12 см. ғишт билан терилган. Молалидан олинган радиоуглерод анализи ушбу манзилгоҳнинг милоддан аввалги XVI аср охири XV аср бошларига оидлигини кўрсатади<sup>12</sup>.

Сўнгти бронза ва илк темир асрига келиб, дехқончилик маданияти янада тараққий этди. Шимолий Бақтрияда яна бир нечта дехқончилик воҳалари ўзлаштирилди. Археологик тадқиқотларга кўра, илк темир даврида Шимолий Бақтрияда еттига дехқончилик воҳаси бўлиб, уларнинг учтаси Сурхондарё вилояти худудида, тўрттаси Жанубий Тожикистанда мавжуд бўлган. Шимолий Бақтриядаги учта дехқончилик воҳаси қадимги Чағониён худудига тўғри келади. Булар:

1. Бойсун дехқончилик воҳаси – унга Бойсунтоғ яйловлари, Бандихон ва Миршоди сув ҳавзалари кирган<sup>13</sup>.
2. Сурхон дехқончилик воҳасига – Сурхондарёнинг ўрта ҳавзасидаги худудлар

<sup>9</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бактрия мисолида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Авторефери. Самарқанд. 2009. –Б. 17-18.

<sup>10</sup> Беляева Т.В., Хакимов З.А. Древнебактрийские памятники Миршаде // Из истории античной культуры Узбекистана. Ташкент, 1973. –С. 38-43.

<sup>11</sup> Сагдуллаев А.С. Древнеземледельческие поселения предгорий Байсунтау // История и археология Средней Азии. Сборник статей. Отв. редактор О.В. Обельченко. Ашхабад, 1978. –С. 30-31.

<sup>12</sup> Сверчков Л. М., Бороффка Н. Материалы поселения эпохи поздней бронзы Молали. Археология Узбекистана 10, № 1, 2015. -С. 75-88.

<sup>13</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бактрия мисолида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд. 2009. –Б. 188.

кириб, маркази ҳозирги Жарқўрғон туманидаги Ҳайитободтепа бўлган<sup>14</sup>.

3. Кофирниҳон дехқончилик ўлкаси бўлиб, маркази Қалаи-Мир ёдгорлигига тўғри келади. Кофирниҳон дехқончилик ўлкасида иккита сугорилиш воҳаси мавжуд бўлган: биринчисига Кофирниҳон дарёсининг Чангоб ўзани ҳудудлари, иккинчисига Кофирниҳон дарёси ўзанлари кирган<sup>15</sup>.

Бойсун дехқончилик воҳасининг ilk маркази сифатида Бандихон I ни кўрсатишимииз мумкин. Ушбу обида шу номдаги қишлоқнинг жануби-ғарбида, Ўргулсойнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Бандихонтепа шарқдан ғарбга караб 500 метр, эни 200 метр бўлиб, хронологик жиҳатдан Бандихонтепа I ва Бандихонтепа II га бўлинади.

Хулоса қиладиган бўлсак, Чагониён ҳудудидаги ilk дехқончилик воҳаларининг шаклланиши бронза даврига тўғри келади. Илк темир асирида ўлкада йирик шаҳарлар вужудга келди. Мазкур ўлка дастлаб қадимги Бақтрия, сўнгра аҳамонийлар ва юнон-македон истилочиларининг ҳукмронлиги остида бўлди. Милоддан аввалги II аср ўрталарига келиб Чагониён ерлари шимолдан кўчиб келган сак-массагет ва тоҳар қабилалари томонидан эгалланган. Бу қабилалар кейинчалик Чагониён давлатчилигининг шаклланишида муҳим роль ўйнаши.

## REFERENCES

1. Ртвеладзе Э., Сагдуллаев А. Памятники минувших веков. –Ташкент, 1986. –С. 22-23; Чагониён тарихи. –Тошкент, 2002.
2. Пугаченкова Г.А. Халчаян. К художественной культуры Северной Бактрии. –Ташкент: Фан, 1966.
3. Аскаров А. Энг қадимий шаҳар. –Тошкент: Маънавият, 2001.
4. Аскаров А. А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977
5. Сагдуллаев А. С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа. Автореферат диссертации кандидата исторических наук. Ленинград, 1978.
6. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). –Ташкент: Фан, 1990.
7. Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореферат диссертации доктора исторических наук. – Москва, 1989. – С. 40.
8. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии.
9. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. Самарқанд. 2009.

<sup>14</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Тарих фан. док. дисс. –Б. 222.

<sup>15</sup> Абдуллаев А.Л. Памятники раннежелезного века Южного Таджикистана // Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом востоке. Тезисы докладов конференции посвященной десятилетию ЮТАЭ. - М.: 1983. – С. 3-4.

10. Habibullo o‘g‘li, R. M. (2023). SURXON VOHASI TOQCHI QAVMINING AN’ANAVIY TURMUSH TARZI.
11. To‘Rayev, S. G. O. G. L., & Raxmonov, M. X. O. G. L. (2022). BX KARMISHEVA TADQIQOTLARIDA SURXON VOHASI YUZ URUG‘LARINING ETNIK TAVSIFI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 43-51.
12. Paxmonov, M. (2023). Surxon vohasi toqchi qavmlari hududiy joylashuvining ilmiy tahlili. *История и культура центральной Азии*, 1(1), 341-344.
13. Rahmonov, M. (2023). TRADITIONAL LIFESTYLE OF THE TOKCHI PEOPLE OF SURKHAN OASIS. *Modern Science and Research*, 2(4), 720-722.